

Абдуллабекова Вилоятхон Нуруллабековна¹, Юнусхўжаев Ахматхўжа Ниғмонович²,
Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна¹, Жўраева Азиза Алишеровна¹

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКИСИ ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДАГИ ГЕЛЬ ДОРИ ШАКЛИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

¹ Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

² Фармация инновация маркази, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида дори воситаларининг ассортиментини баҳолаш натижалари келтирилган. Тадқиқотларни олиб боришда маълумотларни тўплаш, гуруҳлаш, қиёсий ва маркетинг каби таҳлил усуллари қўлланилди. Изланишлар объекти сифатида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрларидан (2019/23; 2020/24; 2021/25) фойдаланилди. Тадқиқотлар Давлат реестри рўйхатидан ўтган дори воситаларининг ичида геллар 198 та савдо номлари (СН) билан ифодаланганлигини ва улар фармацевтика маҳсулотлари умумий сонининг 2% (198 СН/10257СН) ни ташкил этишини кўрсатди. Геллар 10 турдаги ишлаб чиқариш шаклидаги 28 хил фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб препаратлар бўлиб, “ишлаб чиқарувчи давлат” кўрсаткичи бўйича 31 та давлат томонидан тақдим этилган. Ишлаб чиқарувчи давлатлар орасида узоқ хориж давлатларидан Ҳиндистон, Туркия, Германия ва Болгария, МДХ давлатлари ичидан Россия ва Украина етакчи ўринни эгаллаган.

Геллар ассортиментини “фармакотерапевтик гуруҳ” белгиси асосидаги таҳлиллар натижалари энг катта улушни “яллиғланишга қарши ностероид восита (шу жумладан кўп таъсирли)”, “маҳаллий яллиғланишга қарши воситалар”, “стоматологик воситалар”, “сурункали веноз етишмовчиликни даволаш воситалари” ва “акнени даволаш учун воситалар” каби геллар ташкил этган.

Тадқиқотлар натижасида бугунги куннинг долзарб йўналишлардан бири сифатида маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан олинган дори моддаси асосида ёки комбинирланган вирус ва бактерияларга қарши, регенератив ҳамда маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсирларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи маҳаллий гелларни ишлаб чиқиш кўрсатилди.

Калит сўзлар: маркетинг, фармацевтика бозори, гель, дори воситалари, ассортимент таҳлили, савдо номи

Ишнинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси аҳолини хавфсиз, сифатли ва самарадорлиги юқори бўлган дори воситалари билан таъминлашга қаратилган.

Сўнгги йиллардада Ўзбекистон фармацевтика бозори янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳисобига ўсиш динамикасини кўрсатди ва бугунга келиб 10257 номдаги дори воситалари тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат берилди, шу жумладан 3090 таси маҳаллий дори воситаларига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғини 2024 йилгача бўлган даврда ривожлантириш мақсадида қуйидаги

истикболли йўналишлар белгилаб олинди, жумладан:

- кейинчали дори воситалари ишлаб чиқариш мақсадида доривор ўсимликлар хомашёси асосида субстанциялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳаллийлаштириш;
- мавжуд технологияларни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва дори воситаларининг янги турларини ўзлаштириш орқали дори воситалари импортини камайтириш;
- энг самарали генерик дори воситалари турларини кенгайтириш, ижобий фармакокинетик ва фармакодинамик хусусиятларга эга янги замонавий инновацион дори шакллари ишлаб чиқиш;
- ўсимлик хомашёсидан дори воситалари олиш учун замонавий технологик жараёнларни

УДК 615.01422

жорий этиш ва энг истикболли ўсимликларни плантацияларда етиштириш [1].

“Гель” дори шакли тиббиёт ва фармацевтика саноати учун истикболли дори шаклларида бири ҳисобланади. Ушбу дори шакли керакли фармакотерапевтик таъсир билан таъминлайди ва малҳамларга қараганда кўпгина афзалликларга эга, хусусан терига суртилганда нозик силлиқ плёнкалар ҳосил қилади ва натижада препаратнинг узоқ муддат таъсирга эришишига имкон беради, шунингдек тез ва яхшироқ сўрилади, энг муҳими фаол моддаларни осон ва тез чиқаради. Геллар стоматология амалиётида, ревматоид артрит, атопик дерматит ва бошқа касалликларни даволашда кенг қўллинади. Гель шаклидаги янги дори воситасини ишлаб чиқишдан аввал ҳозирги вақтда ички бозорда мавжуд бўлган дори воситалари ҳақида маълумотга эга бўлиш зарур. Шу муносабат билан ички фармацевтика бозорини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади гель дори шаклини ишлаб чиқишни асослаш ва илмий тиббиётга татбиқ этиш, импорт ўрнини босувчи генерик ўсимликлардан олинган маҳаллий дори воситалари ассортиментини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситаларининг ассортиментини таҳлил қилиш, олинган натижалар асосида гель дори шаклини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, истикболлари ва йўналишларини белгилашдан иборатдир.

Материаллар ва усуллар. Изланишлар объекти сифатида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника

Ўзбекистон Республикаси Давлат реестридан (2019/23; 2020/24; 2021/25;) [2] фойдаланилди. Контент таҳлилларни [3-6] олиб боришда қуйидаги ишлар амалга оширилди: савдо номи (СН), халқаро патентланмаган номи (ХПН), дори шакли (ДШ), ишлаб чиқарувчи давлатлар, фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида қайд этилган дори воситалари ассортиментининг таҳлили, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг умумий бозордаги улуши 2021 йилда 30% ни, МДХ давлатларининг маҳсулотлари - 18% ва узоқ хориж давлатлариники эса 52% ни, жумладан геллар умумий олганда тахминан 5% ни ташкил этишини кўрсатди.

Маҳаллий ички бозорида геллар ассортиментининг 2019-2021 йиллардаги сифат ва миқдорий кўрсаткичлари ўрганилганда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши тахминан 0,5% ни, Мустақил давлатлар ҳамдўстлик (МДХ) давлатларининг геллари - 1,5% атрофида ва узоқ хориж давлатлариники эса - 2,9% ни ташкил этиши маълум бўлди (1-жадвал).

Дори воситаларининг Ўзбекистон фармацевтика бозори ассортиментининг таҳлили гель дори шакли 198 та савдо номлари билан ифодаланганлигини кўрсатди. Савдо номи бўйича гель дори шакли бошқа дори шакллари ичида тахминан 2% (198 СН/10257СН) ни ташкил этар экан.

1-жадвал

ЎЗР Давлат реестрида қайд этилган дори воситалари таҳлили натижалари

Йиллар	Рўйхатдан ўтган дори воситалари/геллар сони			
	хорижда ишлаб чиқарилган	МДХ	маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	жами
2019	4489/131	1825/22	2605/7	8919/160
2020	4905/135	1830/34	2685/7	9432/176
2021	5325/156	1842/27	3090/15	10257/198

Геллар ички фармацевтика бозорининг “чиқариш шакли” кўрсаткичи бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, дори воситаларининг ассортименти 10 турдаги чиқариш шакллари билан ифодаланар экан. Улар орасида энг катта ҳажми “Ташқи фойдаланиш учун” (шу жумладан “маҳаллий қўллаш

УДК 615.01422

учун”) дозаланган шакли эгаллади (150/198 ёки 82,8%). Фармацевтика бозорини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал


Гелларни чиқариш шакли бўйича таҳлил натижалари

№	Чиқариш шакли	сони	№	Чиқариш шакли	сони
1	Ташқи фойдаланиш учун	150	6	Ичиш учун мўлжалланган	4
2	Интроназал гелъ	1	7	Маҳаллий қўллаш учун	14
3	Вагинал гелъ	8	8	Трансдермал гелъ	2
4	Кўз учун	7	9	Ректал гелъ	1
5	Интрацервикал	1	10	Стоматология учун	10

“Ишлаб чиқарувчи давлат” кўрсаткичи бўйича геллар ассортиментини ўрганиш натижаси уларни 28 та давлат томонидан тақдим этилганлигини кўрсатди. Савдо номлари сони бўйича, ишлаб чиқарувчи давлат тақдим этган шаклининг сонига қараб энг етакчи ўринни Ҳиндистон (47,6% ёки 74/198), ундан кейин Туркия (10,6% ёки 16/198), Германия (5,8% ёки 9/198) ва Болгария (5,8% ёки 9/198) эгаллаган (1- расм ва 3-жадвал).

МДХ давлатлари ичидан гелларни эса энг кўп рўйхатдан ўтказган бу Россия (14/27 ёки 51,9%) ва Украина (10/27 ёки 37,0%) давлатлари бўлди (2- расм ва 4-жадвал).

Маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган геллар ассортиментини ўрганиш натижасида ушбу дори шаклини асосан 6 та, яъни Pharmacon LLC, МЧЖ (6 та); Merrymed Farm, МЧЖ (4 та); Radiks, ИИЧК (1); Dentafill Plyus, МЧЖ (1); A.B.-Biokom, МЧЖ (1); Well Med Pharm, ХКМЧЖ (1) ва 1 та корхона Med Pharm, ХКМЧЖХ индистон томонидан ишлаб чиқарилган Ўзбекистонда қадоқланган препарат рўйхатдан ўтганлиги аниқланди. Улардан 7 таси “яллиғланишга қарши ностероид восита”, қолган 8 таси турли фармакологик гуруҳга мансублиги маълум бўлди. Натижалар 5-жадвалда ўз аксини топган.




1-расм. ЎЗР фармацевтика бозорида гелъ ишлаб чиқарувчи хориж давлатларининг тақсимланиши диаграммаси

Гель ишлаб чиқарувчи хориж давлатлари

№	Ишлаб чиқарувчи Давлат	Геллар сони					
		2019		2020		2021	
		та	%	та	%	та	%
1	Ҳиндистон	52	39,7	59	43,0	74	47,6
2	Туркия	14	10,7	14	10,0	16	10,6
3	Германия	9	6,9	9	6,6	9	5,8
4	Румыния	4	3,0	4	3,0	2	1,8
5	Болгария	8	6,0	8	5,8	9	5,8
6	Франция	2	1,5	3	2,2	3	2,0
7	Аргентина	1	0,8	1	0,73	1	1,6
8	Италия	4	3,0	5	3,6	4	2,5
9	Греция	2	1,5	2	1,5	2	1,8
10	Швейцария	5	3,8	6	4,4	6	3,9
11	Польша	6	4,6	7	5,1	6	3,9
12	Испания	1	0,8	1	0,73	1	1,6
13	Венгрия	1	0,8	1	0,73	1	1,6
14	Латвия	8	6,0	6	2,2	7	4,9
15	Буюкбритания	3	2,3	3	2,2	2	1,8
16	Финляндия	1	0,8	1	0,73	1	1,6
17	Португалия	1	0,8	1	0,73	1	1,6
18	Австрия	1	0,8	1	0,73	1	1,6
19	Бельгия	1	0,8	2	1,5	2	1,8
20	ХХР	1	0,8	1	0,73	1	1,6
21	Покистон	-		1	0,73	1	1,6
22	Вьетнам	-		1	0,73	1	1,5
23	Корея	-		-	-	2	
24	Македония	-		-	-	1	
25	Миср	-		-	-	2	
26	Таиланд	-		-	-	1	

УДК 615.01422



2-расм. ЎзР фармацевтика бозорида гель ишлаб чиқарувчи МДХ давлатларининг тақсимланиши диаграммаси

4-жадвал

Гель ишлаб чиқарувчи МДХ давлатлари

№	Ишлаб чиқарувчи МДХ давлатлари	Геллар сони					
		2019 й		2020 й		2021 й	
		та	%	та	%	та	%
1	Россия	13	59,8	15	55,6	14	51,9
2	Украина	7	31,6	10	37,0	10	37,0
3	Беларусь	1	4,3	1	3,7	1	3,7
4	Арманистон	1	4,3	1	3,7	1	3,7
5	Молдова	-		-	-	1	3,7

5-жадвал

**Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган геллар
(2021 й 10270 та рўйхатдан ўтган дори воситаларига нисбатан)**

№	Савдо номи, ХПН ёки бошқа номи	Гелларнинг чиқарилиш шакли	Ишлаб чиқарувчи ва фирма	Фармакотерапевтик гурух	№ ва рўйхатдан ўтган вақти
1	Меркетоналин (MER Ketonalin) Ketoprofen	2,5% 15 г, 25 г, 30 г, 50 г (тубаларда)	MerrymedFarm, МЧЖ	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 01579/06/17
2	Мергепарин (MerGeparin) Heparin*	ташқи фойдаланиш учун 1000 МЕ/г 20 г, 25 г, 30 г (туба- ларда)	MerrymedFarm, МЧЖ	антикоагулянт восита	DV/M 03836/07/21
3	Андолфен (Andolfen) Ketoprofen	2,5% 15 г, 25 г, 30 г, 50 г (тубаларда)	MerrymedFarm, МЧЖ	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 01579/06/17 06/06/17

УДК 615.01422

4	Бикозен® Дента (Bikozendenta) Comb.drug (Metroni- dazole, chlorhexidine)	10 г, 20 г, 30 г (тубаларда)	Pharmacon LLC, МЧЖ	антипротозой восита A01AB17	DV/M 02228/08/18 13/08/18
5	Гиатрон (Giatron) Progesterone	вагинал 8% 22,5 г (тубаларда, аппли- катор билан)	Pharmacon LLC, МЧЖ	прогестин ва унинг синтетик аналог	DV/M 03096/04/20
6	Гуфонаган® (Gufonagan) Comb.drug (Diclo- fenac, methyl salicy- late, Linseed oil, men- thol)	20 г, 25 г, 30 г (тубаларда)	MerrymedFarm, МЧЖ	маҳаллий яллиғла- нишга қарши восита	DV/M 03835/07/2
7	Дентором (Dentorom) Comb.drug (Lido- caine, Chamomilla Extract*)	маҳаллий қўллаш учун 10 г (тубалар- да)	Pharmacon LLC, МЧЖ	антисептик восита	DV/M 03754/03/21
8	Кетопрофен (Ketoprofen) Ketoprofen	2,5 % 30 г, 40г, 50 г (тубаларда, банкаларда, флаконларда)	Radiks, ИИЧК	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 01033/09/16 23/09/16
9	КюпенГель (Kyupen gel) Comb.drug (Diclo- fenakdiethylamine; Methilsalicylate; Men- thol; Linseed oil)	ташқи фойдаланиш учун 20 г, 30 г, 50 г (тубаларда)	Coral Laborato- ries Ltd., Ҳиндистон (и.ч.) Well Med Pharm, ХК МЧЖ (кадок.) Ўзбекистон	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 02766/09/19 20/09/19
10	Нанокс® (Nanoks) Diclofenac	15 г, 25 г, 40 г (тубаларда)	Pharmacon LLC, МЧЖ	яллиғланишга қарши ностероид восита M01AB05	DV/M 00556/12/15 25/12/15 (09/158/4 РУз 21/09/10)
11	Стопшрам® (Stopshram) Comb.drug (Onion extract, heparin sodi- um salt, allantoin)	ташқи фойдаланиш учун 100 г (тубаларда)	Pharmacon LLC, МЧЖ	тўқималарнинг функциясини рағбатлантирувчи восита	DV/M 03725/02/21
12	Троксерутин (Trokserutin) Troxeutin*	20 г, 25 г, 30 г (тубаларда)	DentafillPlyus, МЧЖ	сурункали веноз етишмовчиликни даволаш воситаси C05CA04	DV/M 02482/03/19
13	Тиристимулин (Tiostimulin) Tiostimulin	0,2% 10 г, 15г (тубаларда, флаконларда)	A.B.-Biokom, МЧЖ	эндокрин тизими патологиясини даволаш воситаси	DV/M 03803/04/21
14	Фенсулал (Fensulka) Fensulcal	ташқи фойдаланиш учун 3% 20 г (тубаларда)	Well Med Pharm, ИПМЧЖ	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 03820/06/21
15	Фибротен® (Fibroten) Ketoprofen	2,5% 20 г, 25 г, 30 г, 50 г, 60 г (тубалар- да)	Pharmacon LLC, МЧЖ	яллиғланишга қарши ностероид восита M02AA10	DV/M 02231/08/18 13/08/18

Гелларни “чиқарилиш шакли” белгиси бўйича таҳлил этилганда 13 таси “ташқи фойдаланиш учун”, қолган 2 таси “вагинал восита” ва “маҳаллий қўллаш учун” чиқарилиши аниқланди.

УДК 615.01422

Жумладан, 10 таси бир таркибли, 5 таси кўпкомпонентли дори воситаларга тўғри келди. Таъсир этувчи модда сифатида кетопрофен (4), диклофенак (3), гепарин, фенсулгал, тиростимулин, троксерутин ва прогестерон каби бирикмалар қўлланилган. Фақатгина “Дентором” ва “Стопшрам®” препаратлари таркибида ўсимлик хомашёси маҳсулотларидан фойдаланилган (5-жадвал).

6-жадвал

Гелларни келиб чиқиши бўйича таҳлил натижалари

№	Таркиб	Сон	
		та	%
1	Ўсимлик хомашёси асосида	3	1,5
2	Сунъий модда асосида	108	54,6
3	Кўп компонентли	87	43,9

Геллар асортименти келиб чиқишига қараб ўрганилганда рўйхатнинг энг катта хажмини сунъий моддалар асосида олинган геллар, ҳамда кўп компонентли таркиблар эгалланганлиги аниқланди (6-жадвал).

7-жадвал

Гелларни фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлили

№	Фармакотерапевтик гуруҳ	Сони, та / %	№	Фармакотерапевтик гуруҳ	Сони, та / %
1	яллиғланишга қарши ностероид воситалар	72/36,4	15	акушерлик ва гинекологик воситалар	2/1
2	Сурункали веноз етишмовчиликни даволаш воситалари	11/5,6	16	маҳаллий оғрикисилантирувчи воситалар	1/0,5
3	акнени даволаш воситалари	11/5,6	17	замбуруғларга қарши воситалар	8/4,0
4	стоматологик воситалар	13/6,7	18	аллергияга қарши воситалар	4/2
5	колопроктологик воситалар	2/1	19	миометрия қисқаришини рағбатлантирувчи воситалар	2/1
6	миорелаксантлар	1/0,5	20	гормонал воситалар	2/1
7	чандикни нормал пайдо бўлишига ёрдам берувчи воситалар	3/1,5	21	тўқималарнинг функциясини рағбатлантирувчи воситалар	6/3
8	иммуномодуляция қилувчи воситалар	1/0,5	22	прогестин ва унинг аналоглари	6/3
9	эректил дисфункцияга қарши восита	1/0,5	23	метеоризмга қарши воситалар	1/0,5
10	маҳаллий яллиғланишга қарши воситалар	27/13,7	24	ярага қарши воситалар(антацид)	2/1
11	ангиопротекторлар	1/0,5	25	антипротозой воситалар	4/2
12	маҳаллий антибиотиклар	2/1	26	педикулёзга қарши воситалар	1/0,5
13	антисептик воситалар	1/0,5	27	микробга қарши воситалар	1/0,5
14	антикоагулянт воситалар	5/2,5	28	вирусга қарши воситалар	7/3,5

УДК 615.01422

Геллар ассортиментини “фармакотерапевтик гуруҳ” белгисига қараб таҳлил қилинганда (7-жадвал) шу нарса маълум бўлдики, ЎзР тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестридан жами 28 хил фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб геллар кайд этилган. Улар ичида энг кўп миқдорни

қуйидаги геллар ташкил этган: “яллиғланишга қарши ностероид воситалар (шу жумладан, кўп таъсирли)” (72/198 ёки 36,4%), “маҳаллий яллиғланишга қарши воситалар” (27/198 ёки 13,7%), “стоматологик воситалар” (13/198 ёки 6,7%), “сурункали веноз етишмовчиликни даволаш воситалари” (11/198 ёки 5,6%) ва “акнени даволаш учун воситалар” (11/198 ёки 5,6%).

Хулосалар.

1. ЎзР фармацевтика тармоғининг ҳозирги ҳолатининг таҳлили аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини етарли даражада қаноатлантирмаётганлигини ва ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд қувватлари атиги 27% ни ташкил этаётганлигини кўрсатди.
2. Ички фармацевтика бозорининг ассортиментини ўрганиш натижаси Давлат реестри рўйхатидан ўтган дори воситаларининг ичидан геллар 198 та савдо номлари (СН) билан ифодаланганлигини кўрсатди. Улар рўйхатга олинган фармацевтика маҳсулотлари умумий сонининг 2% (198 СН/10257СН) ни ташкил этди. Геллар 10 турдаги ишлаб чиқариш шаклидаги турли хил фармакологик гуруҳларга мансуб препаратлар билан тақдим этилган.
3. “Ишлаб чиқарувчи давлат” кўрсаткичи бўйича геллар ассортиментини ўрганиш натижаси уларни 31 та давлат томонидан тақдим этилганлигини кўрсатди. Савдо номлари сони бўйича ишлаб чиқарувчига қараб етакчи давлатлар аниқланди: Хиндистон, Туркия, Германия ва Болгария, МДХ давлатлари ичидан Россия ва Украина давлатлари эгаллади.
4. Геллар ассортиментини “фармакотерапевтик гуруҳ” белгисига қараб таҳлил қилинганда жами 28 хил фармакологик гуруҳга мансуб геллар рўйхатдан ўтганлиги маълум бўлди. Улар ичида энг кўп миқдорни “яллиғланишга қарши ностероид воситалар (шу жумладан кўп таъсирли)”, “маҳаллий яллиғланишга қарши воситалар”, “стоматологик воситалар”, “сурункали веноз етишмовчиликни даволаш воситалари” ва “акнени даволаш учун воситалар” геллар ташкил этган.
5. ЎзР фармацевтика бозоридаги гелларнинг 98% ни хорижда ишлаб чиқарилган синтетик препаратлар ташкил этганлигини ҳисобга олиб бугунги куннинг долзарб йўналишлардан бири сифатида маҳаллий ўсимлик хомашёсидан олинган дори моддаси асосида ёки комбинирланган вирус ва бактерияларга қарши, регенератив ҳамда маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсирларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи маҳаллий гелларни ишлаб чиқиш кўрсатилди.

Адабиётлар рўйхати

1. 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон Қарори.
2. Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрилари 2019/23; 2020/24; 2021/25.
3. Кинев М.Ю., Петров А.Ю., Зырянов В.А. Современное состояние отечественного фармацевтического рынка гелей: анализ и перспективы дальнейшей разработки // Научные ведомости. Серия Медицина. Фармация. 2016. № 26 (247). Выпуск 36.-С.105-113.
4. Шишкина А.В., Багирова В.Л. Анализ отечественного фармацевтического рынка мягких лекарственных форм. Фармация, -2013; -1: -С.28–30.
5. Кравченко Р.В., Ржеусский С.Э. Анализ рынка стоматологических мягких лекарственных средств / Р.В. Кравченко, С.Э. Ржеусский // Вестник фармации. – 2020. – Т.87. – №1. – С. 37-42.
6. Павлов Н. В. Методы маркетинговых исследований. СПб.: Изд-во СПбГТУ, -2011. – 344 с.

УДК 615.15

Абдуллабекова Вилоятхон Нуруллабековна¹, Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович², Юнусходжаева Нодира
Абдулхамитовна¹, Жураева Азиза Алишеровна¹

МАРКЕТИНГОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЛЕКАРСТВЕННОЙ ФОРМЫ ГЕЛЬ НА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ РЫНКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

¹ Ташкентский фармацевтический институт

² Фармацевтический инновационный центр

В статье представлены результаты оценки ассортимента лекарственных средств на фармацевтическом рынке Республики Узбекистан. При проведении исследований использовались такие аналитические методы, как сбор данных, группировка, сравнение и маркетинг. В качестве объекта исследования использовались Государственные реестры лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенные к применению в медицинской практике Республики Узбекистан (2019/23; 2020/24; 2021/25).

Исследования показали, что среди зарегистрированных в Госреестре РУз лекарственных средств гели представлены 198 торговыми наименованиями (ТН) и составляют 2% (198 ТН/10257ТН) от общего их количества. Анализ показал, что гели представлены 28 различными фармакотерапевтическими группами в 10 видах формы выпуска 31 зарубежными странами. Среди дальних зарубежных стран по признаку «страна-производитель» гелей лидерами являются Индия, Турция, Германия и Болгария, а странами из СНГ являются Россия и Украина.

Результаты анализа ассортимента гелей по признаку «фармакотерапевтическая группа» показали, что наибольшую долю составляют «нестероидные противовоспалительные средства (в том числе комбинированного действия)», «местные противовоспалительные средства», «стоматологические препараты», «препараты для лечения хронической венозной недостаточности» и «средства для лечения акне».

В результате проведенного анализа было показано актуальность направления- разработка импортозамещающих гелей на основе лекарственных веществ, полученных из местного растительного сырья или комбинированных препаратов, которые обладают противовирусным, бактериальным, регенерирующим и местным обезболивающим действиями.

Ключевые слова: маркетинг, фармацевтический рынок, гель, лекарственные средства, анализ ассортимента, торговое наименование

Abdullabekova Viloyatkxon Nurullabekovna¹, Yunuskhoev Akhmatkhuzha Nigmonovich², Yunuskhoeva Nodira
Abdulkhamitovna¹, Juraeva Aziza Alisherovna¹

MARKETING STUDY OF THE DOSAGE FORM OF GEL ON THE PHARMACEUTICAL MARKET OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

¹ Tashkent Pharmaceutical Institute

² Pharmaceutical Innovation Center

The article presents the results of assessing the range of medicines on the pharmaceutical market of the Republic of Uzbekistan. The study used analytical methods such as data collection, grouping, comparison and marketing. The object of the study was the State Registers of Medicines, Medical Devices and Medical Equipment, permitted for use in medical practice of the Republic of Uzbekistan (2019/23; 2020/24; 2021/25).

Studies have shown that among the medicinal products registered by the State Register of the Republic of Uzbekistan, gels are represented by 198 trade names (TN) and constitute 2% (198 TN / 10257 TN) of their total number. The analysis showed that the gels are represented by 28 different pharmacotherapeutic groups in 10 types of release form in 31 foreign countries. India, Turkey, Germany and Bulgaria are the leaders among the distant foreign countries on the basis of the “producing country” of gels, and the countries from the CIS are Russia and Ukraine.

The results of the analysis of the assortment of gels on the basis of the “pharmacotherapeutic group” showed that the largest share is made up of “non-steroidal anti-inflammatory drugs (including combined action)”, “local anti-inflammatory drugs”, “dental drugs”, “drugs for the treatment of chronic venous insufficiency” and “remedies for the treatment of acne”.

As a result of the analysis, the relevance of the direction was shown - the development of import-substituting gels based on medicinal substances obtained from local plant materials or combined preparations that have antiviral, bacterial, regenerating and local anesthetic effects.

Key words: marketing, pharmaceutical market, gel, medicines, assortment analysis, trade name.